


БАТАН УЧУН, МИЛЛАТ
УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!



XXI ASR

IJTIMOIY - SIYOSIY GAZETASI



Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chop
etila boshlagan

16-iyul
2026-yil
28 (1 182)

Абдулла Орипов,
Ўзбекистон Қаҳрамони

БАТАН

Ватан қадрин белгилас олтин ё олмос,
Уни биров сотолмас ё сотиб ололмас.
Кунчиқарда Худойимнинг олий мақоми
Кунботарга борганингда пасайиб қолмас.



21asr.uz XXlasr_yangiliklari XXIASR XXI_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXlasrgazetasi

O'zLiDeP ТАШАББУСИ

АҲОЛИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ЯКУНЛАНДИ

Хўш, дастлабки натижалар ва истиқболдаги режалар қандай?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Жаҳон аҳолишунослик куни муносабати билан “Ўзбекистонда 2026 йилги аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг дастлабки натижалари” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуманда парламент Қўйи палатаси депутатлари, Миллий статистика қўмитаси раҳбарияти ва мутахассислари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA), Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) вакиллари, хорижий экспертлар, олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Дастлаб Миллий статистика қўмитаси томонидан мамлакатимизда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш жараёнига бағишланган видеотақдимот намоён этилди ва мамлакатимизда 2026 йил 15 январдан 28 февралга қадар илк бор ўтказилган тадбирнинг дастлабки натижалари, шунингдек, мазкур маълумотлардан давлат сиёсатини шакллантириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда самарали фойдаланиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.



МУАММО БОРМИ, ДЕМАК, ЕЧИМ ҲАМ БОР!

O'zLiDeP ташаббуси билан баҳорда ўз номига муносиб тарзда бошланган “Халқ билан бирга” умуммиллий ҳаракат дастури доирасида мамлакатимизнинг барча бурчакларида мулоқотлар, акциялар ва сайёр қабуллар қизгин давом этмоқда. Бу каби тадбирларни ҳатто ёритишга улгуролмаяпмиз, тўғриси. Навбатдаги сонлар учун ҳам саҳифалар тайёр!

Партия матбуот хизматидан хабар қилишларича, шу ҳафтанинг ўзида Мўйноқ, Янги ҳаёт, Фиждувон, Қўшработ, Окдарё, Нуробод, Чирчиқ, Бекобод ва бошқа қатор туманларда O'zLiDePдан сайланган депутатлар, тадбиркорлар, фаоллар иштирокида ўтказилган сайёр қабулларда юзлаб муаммоларга ечим топилди. Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонларида батафсил сўз юритамиз.

4

РАМЗИЙ АКЦИЯ ЎРНИГА СТРАТЕГИК ҲАРАКАТ

5



Дилором ФАЙЗИЕВА:

НАТИЖА
БОР
ЖОЙДА,
ИШОНЧ
БЎЛАДИ

3



ТАЛАБ АЛАБГОР АЛАБА

5



КАНГУЛ ОДАМИ

Икром ака кўнгилни
етакламади. Кўнгил
Икром акани етаклади...
Айтилмаган,
айтолмаган гаплари
ичида қолди...



6

АҲОЛИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ЯКУНЛАНДИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Хўш, дастлабки натижалар ва истиқболдаги режалар қандай?

Конференция ишида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси раҳбари Ақтам Хаитов қатнашди ва нутқ сўзлади.



– Муболағасиз айтиш керакки, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш натижалари мамлакатнинг келгуси тараққиёти учун муҳим стратегик ресурс ҳисобланади. Чунки ҳар қандай самарали давлат сиёсати, аввало, ишончли статистик маълумотларга таянади, – деди Ақтам Хаитов. – Таъкидланганидек, салкам 35 йил ичида Ўзбекистонда биринчи марта аҳоли ва қишлоқ хўжалиги рўйхатга олинди. Бу нафақат миллий статистика тизими, балки давлат бошқарувини янги босқичга олиб чиққан муҳим институционал ислохот сифатида ҳам аҳамиятга эга. Мазкур жараён БМТнинг халқаро тавсиялари ва статистик стандартлари асосида ташкил этилгани эса олинган маълумотларнинг ишончилиги ва халқаро таққосланишини таъминлайди.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлми ислохотлар, жумладан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш учун аҳоли сони, унинг ёш ва ижтимоий таркиби, миграция жараёнлари, урбанизация, уй хўжаликлари ҳамда яшаш шароитлари ҳақидаги аниқ маълумотлар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ана шу маълумотлар таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик, ижтимоий ҳимоя, уй-жой қурилиши ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга доир қарорларни илмий асосда қабул қилиш имконини беради.

Рўйхатга олиш натижалари иқтисодиёт учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Худудларнинг демографик ва иқтисодий салоҳиятини баҳолаш, инвестиция лойиҳаларини режалаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштиришда ишончли статистика энг муҳим мезонлардан бири ҳисобланади. Бу эса тадбиркорлар ва инвесторлар учун ҳам аниқ қарорлар қабул қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Мазкур маълумотлар илм-фан учун ҳам кейинги ўн-йилликдаги энг қимматли ахборот манбаларидан бири бўлиши шубҳасиз. Улар демографик ва ижтимоий жараёнларни чуқур таҳлил қилиш, амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, республика ва унинг худудлари ривожланишининг узоқ муддатли прогнозларини ишлаб чиқишда мустақам илмий асос вазифасини бажаради.

Халқаро конференцияда таъкидланганидек, бугунги куннинг асосий вазифаси рўйхатга олиш натижаларини чуқур таҳлил қилиш ва улардан давлат бошқаруви, қонун ижодкорлиги, иқтисодий режалаштириш ҳамда илмий тадқиқотларда кенг фойдаланишдан иборат. Зеро, ишончли статистика – бу шунчаки рақамлар йиғиндиси эмас, балки инсон манфаатларини таъминлашга, “Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этишга ва Янги Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётини таъминлашга хизмат қиладиган мустақам пойдевордир.

Равшан МАМУТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Аграр ва сув хўжалиги масалалари
қўмитаси раиси:



– Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини қамраб олган умуммиллий рўйхатга олиш тадбири мамлакат тараққиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим давлат дастури сифатида тарихга кирди.

Қайд этилганидек, мазкур тадбир оддий статистик кузатув эмас, балки давлат бошқарувини янги сифат босқичига олиб чиқишга хизмат қиладиган жиддий институционал ислохотдир. Чунки ҳар қандай самарали давлат қарори ишончли, аниқ ва ҳолис маълумотларга таянган ҳолдагина қўйилган натижани беради.

Рўйхатга олиш жараёни замонавий рақамли технологиялар асосида икки босқичда ташкил этилди. Даст-

лабки натижаларга кўра, мамлакат аҳолисининг **97,3 фоизи** қамраб олинди. Рўйхатга олиш якунларига мувофиқ, Ўзбекистон аҳолиси **39 миллион 47 минг нафарни** ташкил этди. Шундан **21,7 миллион нафари меҳнатга лаёқатли аҳоли, 12,5 миллион нафари ёшлар** экани қайд этилди. Ушбу кўрсаткичлар мамлакатнинг демографик салоҳияти, меҳнат ресурслари ва келгуси ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболини белгилаб берувчи муҳим омиллар ҳисобланади.

Конференцияда қишлоқ хўжалиги соҳасида илк бор ер ресурслари, иссиқхоналар, боғ ва тоқзорлар, чорвачилик ҳамда тармоқнинг бошқа йўналишлари бўйича кенг қамровли ва ишончли маълумотлар шакллантирилгани алоҳида таъкидланди. Бу маълумотлар аграр соҳани илмий асосда ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини мустақамлаш, фермер ва деҳқон хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш, инвестиция ҳамда тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш учун мустақам ахборот пойдеворини яратди.

Шу билан бирга, рўйхатга олиш натижалари таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда бизнес учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилган қарорларни аниқ ва манзилли қабул қилиш имконини беради. Бу эса давлат ресурсларини оқилона тақсимлаш, худудларни мутаносиб ривожлантириш ва аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда дастурларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу анжуманининг ўтказилишидан кўзланган мақсад, аввало, ишончли статистик маълумотлар қонун ижодкорлиги самарадорлигини оширишда ҳам муҳим ўрин тутганини кенг жамоатчиликка маълум қилишдан иборат. Айниқса, аграр ва сув хўжалиги соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш, тасвирчан парламент назоратини амалга ошириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш ҳамда соҳани комплекс ривожлантиришга оид қонунларни ишлаб чиқишда аниқ статистик маълумотлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шу маънода, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш натижалари мамлакатимизда далилларга асосланган давлат бошқарувини янада қарор топтириш, қонунчилик сифатини юксалтириш ва аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган муҳим ахборот манбаи ҳисобланади.

Дурбек АҲМЕДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор:



– Умуммиллий рўйхатга олиш тадбири нафақат сўнгги йиллардаги энг йирик давлат статистика лойиҳаларидан бири, балки Янги Ўзбекистонда далилларга асосланган давлат бошқарувини қарор топтириш йўлидаги муҳим қадам ҳамдир.

Бугун жамоатчиликка тақдим этилган маълумотлар оддий статистик ҳисобот эмас. Улар мамлакатнинг демографик, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ҳолатини ҳолис баҳолаш, давлат сиёсатини аниқ маълумотлар асосида шакллантириш ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни самарали амалга ошириш учун мустақам ахборот пойдеворини яратди.

Рўйхатга олиш тадбири Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармони асосида, БМТнинг аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш бўйича халқаро тавсиялари ҳамда статистик стандартларига мувофиқ ташкил этилди. Бу миллий статистика тизимини халқаро мезонлар даражасига олиб чиқиш, расмий маълумотларнинг очиқлиги, ишончилиги ва халқаро таққосланишини таъминлаш йўлидаги муҳим натижа бўлди.

Кузатилганидек, рўйхатга олиш жараёнида мамлакатимизда биринчи марта рақамли технологиялар кенг қўлланилди. Биринчи босқичда аҳоли OneID идентификация тизими орқали электрон портал воситасида мустақил равишда рўйхатдан ўтиш имкониятига эга бўлди. Кейинги босқичда эса 55 мингдан ортиқ маҳалла вакили планшет қурilmалари ёрдамида уйма-уй юриб маълумотларни йиғди. Ана шу ёндашув натижасида аҳолининг **97,3 фоизи** қамраб олинди. Бу халқаро амалиётда юқори кўрсаткич сифатида баҳоланади.

Умуммиллий рўйхатга олиш қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам илк бор комплекс маълумотлар базасини шакллантирди. Дастлабки натижаларга кўра, деҳқончилик учун фойдаланилаётган ер майдонлари **4,8 миллион гектарни** ташкил этди. Аввалги ҳисоб-китобларга нисбатан бир йиллик экин майдонлари **23 фоизга**, боғ ва тоқзорлар **18,8 фоизга**, иссиқхоналар **2,2 фоизга**, балиқчилик хўжаликлари эса **15 фоизга** кўпроқ экани аниқланди. Шу билан бирга, чорвачилик тармоғида ҳам аниқлаштирилган маълумотлар шакллантирилиб, соҳани ривожлантиришга оид қарорларни янада илмий асосда қабул қилиш имконияти яратилди.

Конференцияни кузатар эканмиз, рўйхатга олиш натижалари давлат статистикаси учунгина эмас, балки бутун

мамлакат тараққиёти учун хизмат қилишини бежиз ҳар бир иштирокчи қайта-қайта таъкидламади. Натижалардан маълум бўлмоқдiki, ушбу тадбир таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, бандлик, уй-жой қурилиши, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, инвестиция сиёсати ва тадбиркорлик муҳитини такомиллаштиришга қаратилган қарорларни илмий асосда қабул қилиш имконини беради. Шунингдек, улар демографик ва иқтисодий тадқиқотлар учун ноёб ахборот манбаи бўлиб, мамлакатнинг узоқ муддатли ривожланиш прогнозларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Умуммиллий аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш натижалари Ўзбекистонда давлат бошқарувининг янги босқичи бошланганини аңглатади. Энди стратегик қарорлар таҳминларга эмас, балки ишончли статистика, ҳолис таҳлил ва аниқ рақамларга таянади. Бу эса Янги Ўзбекистонда инсон манфаатларини таъминлаш, давлат ресурсларини самарали бошқариш ва барқарор тараққиёт мақсадларига эришишнинг энг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади.

Матлуба УМУРЗАКОВА,
БМТ Аҳолишунослик жангармасининг
Ўзбекистондаги доимий
вакили ўринбосари:



– Дунё таърибасида маълум бўлганидек, аҳолини рўйхатга олиш натижалари ҳар қандай мамлакатнинг демографик ҳолатини акс эттирувчи статистик маълумотлар йиғиндисигина эмас, балки инсон манфаатларига йўналтирилган давлат сиёсатини шакллантиришга хизмат қиладиган стратегик ахборот манбаидир.

Шунингдек, мазкур конференциянинг айнан Жаҳон аҳолишунослик кўни муносабати билан ўтказилгани ҳам алоҳида рамзий аҳамият касб этди. Зеро, мазкур сана аҳоли масалалари барқарор тараққиёт, самарали давлат бошқаруви ва ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан бири эканини яна бир бор эслатади.

Анжуманда эътироф этилганидек, мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи марта ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш мамлакат тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Халқаро амалиётда аҳолини рўйхатга олиш БМТ глобал статистика тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида эътироф этилади. У мамлакатларга демографик жараёнларни ҳолис баҳолаш, давлатлар ўртасидаги кўрсаткичларни таққослаш ҳамда далилларга асосланган қарорлар қабул қилиш имконини беради. Шу жиҳатдан Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олишнинг халқаро стандартлар асосида ташкил этилгани миллий статистика тизимининг халқаро мезонларга мувофиқ ривожланаётганидан далолат беради.

Бугун Ўзбекистон муҳим демографик ўзгаришлар босқичини бошдан кечирмоқда. Аҳоли сонининг изчил ўсиши, меҳнат ёшидаги аҳоли улушининг юқорилиги, шу билан бирга, аҳолининг кексайиш тенденцияларининг шаклланаётгани давлат сиёсатида янада аниқ ва манзилли ёндашувларни талаб этади. Бу эса таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик, ижтимоий ҳимоя, уй-жой сиёсати ва худудий ривожланиш соҳаларида қабул қилинадиган қарорларни ишончли маълумотлар асосида шакллантириш зарурлигини янада кучайтиради.

Конференцияда сўзга чиққанлар таъкидлашганидек, рўйхатга олиш натижалари қонунчилик фаолияти учун ҳам катта амалий аҳамиятга эга. Ушбу маълумотлар қонун лойиҳаларини тайёрлаш, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, давлат дастурлари самарадорлигини баҳолаш, парламент назоратини кучайтириш ҳамда бюджет маблағларини устувор йўналишларга мақсадли тақсимлашда ишончли ахборот манбаи бўлиб хизмат қиладиган.

Эндиликдаги асосий вазифа – йиғилган маълумотлардан самарали фойдаланишдир. Рўйхатга олиш натижалари архивларда сақланиб қолмасдан, давлат бошқаруви, қонунчилик фаолияти, бюджетни яхшилаш ва худудларни комплекс ривожлантириш қарорларининг ажралмас қисмига айланиши зарур. Ана шундагина ушбу маълумотлар таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш тизими, ижтимоий ҳимоя, меҳнат бозори, уй-жой қурилиши ва муҳандислик инфратузилмасини аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда режалаштириш имконини беради.

Энг муҳими, рўйхатга олиш натижалари давлат ресурсларини янада оқилона тақсимлаш, худудлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тафовутларни қисқартириш ҳамда БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларининг асосий тамойилларидан бири бўлган “Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” ғоясини ҳаётга изчил татбиқ этишга хизмат қиладиган. Шу маънода ишончли статистика инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган адолатли ва самарали давлат сиёсатининг энг муҳим пойдеворларидан бири ҳисобланади.

Томаш КУЧЕРА,
Чехиянинг Карлов университети
Демография ва геодемография
кафедраси мудири ўринбосари:



– Ўзбекистонда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг муваффақиятли ўтказилгани ва унинг дастлабки натижалари эълон қилинганини катта мамнуният билан қарши олдим. Мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор амалга оширилган ушбу кенг қамровли тадбир нафақат миллий статистика тизимининг, балки бутун мамлакатнинг муҳим ютуғи бўлди.

Аҳолини рўйхатга олишнинг энг катта қиймати – унинг келгуси қарорлар учун ишончли пойдевор яратишидир. Энди мамлакат аҳолисининг ёш таркиби, худудлар бўйича жойлашуви, таълим даражаси, турмуш шароити ва бошқа демографик хусусиятлари ҳақидаги аниқ маълумотлар узоқ муддатли режалаштириш имконини беради.

Шу билан бирга, рўйхатга олиш демография фани, университетлар ва илмий тадқиқотлар учун ҳам ноёб ахборот манбаидир. Янги маълумотлар Ўзбекистоннинг халқаро статистик базалардаги ўрнини мустақамлаб, мамлакат расмий статистикасига бўлган ишончни янада оширади.

Асосийси, рўйхатга олишнинг ҳақиқий самараси маълумотлар тезкор қайта ишланиб, чуқур таҳлил қилинганида намоён бўлади. Шу боис яқиний натижаларни ўз вақтида эълон қилиш, демографик кўрсаткичларни аниқлаш ва улар асосида янги ҳисоб-китобларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Энг долзарб вазифалардан яна бири – рўйхатга олиш маълумотлари асосида мамлакат ва унинг худудлари учун камида 2060 йилгача, имконият бўлса 2100 йилгача бўлган расмий демографик прогнозларни тайёрлашдир. Бугунги аниқ маълумотлар келажакдаги таълим, меҳнат бозори, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий инфратузилмага бўлган эҳтиёжларни олдиндан баҳолаш имконини беради.

Аҳолини рўйхатга олишга сарфланган маблағлар давлат учун энг юқори самара берадиган инвестициялардан биридир. Аммо бу самарани тўлиқ ҳис қилиш учун вақтни бой бермаслик муҳим. Чунки демографик жараёнлар доимий ўзгариб туради ва ҳар бир кун янги маълумотларнинг амалий қийматига таъсир кўрсатади.



– Рўйхатга олиш жараёнида йиғилган ҳар бир рақам давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, ижтимоий сиёсатни такомиллаштириш ва худудларни комплекс ривожлантириш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқиш учун муҳим аҳамиятга эга, – дейди **Миллий статистика қўмитаси раиси ўринбосари Зоҳиджон Зияев**. – Рақамли технологиялар, халқаро стандартлар ва аҳолининг фаол иштироки тўғрисида рўйхатга олиш тадбири мутлақо янги сифат босқичида ташкил этилди.

Конференция иштирокчилари дастлабки натижалар мамлакатдаги демографик жараёнларни чуқур таҳлил қилиш, аҳолининг турли қатламлари эҳтиёжларини аниқ баҳолаш ва далилларга асосланган давлат сиёсатини амалга ошириш учун мустақам замин яратишини алоҳида қайд этдилар.

Тадбир якунида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунингдек, рўйхатга олиш натижаларидан давлат бошқаруви, қонун ижодкорлиги ва ижтимоий-иқтисодий режалаштириш жараёнларида янада самарали фойдаланиш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

Абдулла ЧИМИРЗАЕВ,
“XXI asr” мухбири



Дилором ФАЙЗИЕВА:

НАТИЖА БОР ЖОЙДА, ИШОНЧ БЎЛАДИ



Шифокорликдан олимликка, илм-фандан эса сиёсат майдонига. Салкам 17 йиллик депутатлик фаолияти давомида тўртта қақирқда халқ вакили сифатида сайланиш ҳар қандай сиёсатчига ҳам насиб этавермайдиган юксак ишончдир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, муҳофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси, “Шуҳрат” медали ва “Дўстлик” ордени соҳибаси Дилором Файзиева билан суҳбатимиз парламент дипломатияси, депутатлик масъулияти ва ҳаёт мактаби ҳақида бўлди.

– Дилором Ҳуснитдиновна, сиз фаолиятингизни тиббиёт ва илм-фан соҳасидан бошлагансиз, тиббиёт фанлари номзодисиз. Шифокорлик ва олимлик касбида шаклланган қатъият ва масъулият сизнинг бугунги депутатлик фаолиятингизда, хусусан, қонун ижодкорлигида, қанчалик асқатмоқда?

– Мен танлаган соҳа – санитария, гигиена ва эпидемиология бўлиб, у жамоат салома-тигини муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида сурункали ҳамда юқумли касалликларни келтириб чиқарувчи омилларнинг олддини олиш-га қаратилган.

Гигиена йўналишида номзодлик диссер-тациямни ёқлагач, илмий-амалий изланишларимни кенгайттирдим. Минтақамиз учун ўта долзарб ҳисобланган сув муаммолари, эколог-ия ва инсон саламатлиги ўртасидаги боғлиқ-ликни ўрганишда давом этдим. Қатор миллий ва халқаро лойиҳалар ташаббусқори ҳамда раҳбари сифатида Оролбўйи, Амударё ва За-рафшон ҳавзаларидаги шаҳар ва қишлоқлар-да бўлдим. У ерларда сув таъминоти ва ҳў-жаллик фаолиятининг экологик муҳит орқали аҳоли соғлиғига таъсирини чуқур ўргандим, салбий оқибатларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиб, уларнинг амалиётга таътиб этилишида бевоасита иштирок этдим. АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия ва Япониянинг етакчи университетлари ҳамда тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда ил-мий фаолият олиб бордим. Изланишларим давомида муаммоларнинг туб сабабларини аниқлаш билан бирга, уларни тизимли ҳал этувчи самарали қарорлар қабул қилиш нақ-дар муҳимлигини англаб етдим.

Энг асосийси, бундай ечимлар қонунчи-ликда ўз аксини топгандагина жамият ҳаёти-да кутилган натижага беришига амин бўлдим. Қарийб 15 йил давомида юртимизнинг сув тақчиллиги сезилаётган ҳудудларида олиб борган илмий-амалий фаолиятим, айниқса, оддий одамлар билан учрашув ва самимий мулоқотларим бугун депутат сифатидаги масъулиятли вазибаларимни баҳарийишда кучли пойдевор вазифасини ўтамоқда.

– Сиз узоқ йиллардан буён парламент куйи палатасида Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитаси аъзоси ҳамда раиси, ҳозирда Халқаро ишлар, муҳофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида раис ўринбосарисиз. Бугунги мураккаб геосиёсий шароитда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижини мустаҳкамлаш ва парламентларо дипломатияни ривожлантиришда депутатларимиз олдида турган энг устувор вазифалар нималардан иборат?

– Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсатида туб ўзгаришлар рўй берди. Қарийб ўн йиллик давр мобай-нида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган кенг қамровли ислохот-лар натижасида катта тараққиёт йўли босиб ўтилди. Қонун устуворлиги таъминлангани, миллий иқтисодиётимиз янгидан шакл-ланиб, бозор муносабатлари қарор топаётгани ҳамда ижтимоий ҳимоя тизими кенгайгани ҳар бир фуқаро ҳаётида акс этмоқда. Бугун юртимиз дунёда Янги Ўзбекистон дея танил-моқда. Халқимизнинг тинчликпарварлик ва бунёдкорлик ғояларига асосланган, ўзаро манфаатли ҳамкорликка йўналтирилган очиқ ва фаол ташқи сиёсатимиз бугунги мураккаб геосиёсий шароитда ўзини тўла оқлаётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этил-моқда. Барча жабҳаларда халқаро алоқалар жадаллашадиган бир вақтда, табиийки, пар-ламент фаолияти ҳам замон талабларига мос

равишда юксалиб бормоқда.

Бу жараёнда Олий Мажлисининг халқаро муносабатлардаги роли ва парламент дипло-матияси имкониятлари янада кенгаймоқда. Қонунчилик органи фаолиятидаги барча устувор вазифалар – қонун ижодкорлиги, парламент назорати ва сайловчилар билан мулоқотлар депутатлар учун бош мезондир. Шу билан бирга, миллий парламентаризмни ривожлантиришда парламент дипломатияси ўта муҳим аҳамиятга эга.

Демак, биз депутатлар юртимиз рав-нақи йўлида ушбу самарали механизмдан унумли фойдаланишимиз зарур. Ҳозирги кунда халқ вакиллари Олий Мажлис томо-нидан тузилган 60 дан ортиқ икки томонла-ма парламентларо дўстлик ва ҳамкорлик гуруҳлари, кенгашлар ҳамда комиссиялар таркибиде, шунингдек, нуфузли халқаро таш-килотлар анжуманларида Ўзбекистоннинг ташқи алоқаларини янада ривожлантириш йўлида фаол савй-ҳаракатларни амалга оши-ришмоқда.

– Давлатимиз томонидан самарали хизматларингиз муносиб тақдирланган. Бу юксак эътирофлар сиз учун нафақат шараф, балки жиддий масъулият ҳам демакдир, тўғрими?

– Албатта, бундай улкан эътибор ва эътиромлар, ўйламанки, ҳаёт йўлимни тўғри танлаганим, қарорларим муваффақиятли бўлгани ва халқ вакили сифатида билдирил-ган ишончнинг махсули деб биламан.

Яна бир муҳим омил – омад! Мен ўзим-ни бахтли ва омадли инсон деб ҳисоблайман. Чунки ўз Ватанида, оила бағрида, дўстлар даврасида тинчлик-осойишталикда шукро-налик билан яшаш, ижодий меҳнат қилиш, шу билан бирга, дунёни кўриб, турли халқлар ҳаёти билан танишиш ва мулоқотда бўлиш — инсон учун энг олий бахтдир.

Яширмайман, мукофотлар одамни руҳлантириш билан бирга, зиммасига жид-дий масъулият ҳам юклайди. 2016 йилда “Шуҳрат” медалига сазовор бўлишим мени янги марраларга илҳомлантирган бўлса, 2025 йилда “Дўстлик” ордени билан тақдирлан-шим фаолиятимга давлатимиз ва халқимиз томонидан билдирилган юксак ишонч рамзи бўлди. Бу эътироф келгусида ҳам билдирил-ган ишончни оқлаш, янада самарали ва нати-жадор меҳнат қилиб, юрт равнақиға хизмат қилишга ундайди.

– 2010 йилдан буён халқ вакили сифатида Қонунчилик палатасида фаолият юритиб келяпсиз. Тўрт қақирқ ҳазилакам мударат эмас. Ҳўш, сизнинг назарингизда сайловчилар меҳри ва ишонч-эътиборини қозонишнинг бош мезони нимада?

– Аввало, одамларга эътиборли бўлиш, сайловчилар томонидан кўтарилаётган ҳар бир фикр ва мулоҳазани тинглаш лозим. Бу-жудга келаётган муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик ҳамда соҳа мутахассислари-нинг таклифларини диққат билан эшитиш, ўзаро мулоқот ва маслаҳатлашувлар асоси-да конструктив ечимлар топиш депутат фа-олиятининг асосий жиҳатларидир. Бу жара-ёнда стратегик фикрлаш, таҳлилий ёндашув ва пухта хулосаларга таяниш орқалигина кўзланган натижаға эришиш мумкин. Зеро, одамлар биздан, биринчи навбатда, муам-монинг амалий ечимини кутишади. Натижа бор жойда эса ишонч бўлади. Бир сўз билан айтганда, фаолиятимизнинг бош мезони – бу натижадорликдир. Албатта, ҳар бир халқ вакилининг ўзига хос шахсий фазилатлари, касб-кори, ҳаётий тажрибаси ва ўзига хос ён-дашувлари мавжуд бўлиб, бу мавзуда алоҳи-да китоблар ёзса арзийди.

– Аввало, Ўзбекистоннинг сиёсий майдонида етакчилик макомини сақлаб келаётган O‘zLiDeP аъзоси сифатида партиянинг

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий эркинликларни таъминлаш борасидаги ғояларини халқаро келишувлар ва хавфсизлик масалалари билан қандай ўйғунлаштириш мумкин, деб ҳисоблайсиз?

– Бу саволға қисқа ва лўнда жавоб бе-риш учун, аввало, юртимизда олиб борила-ётган изчил давлат сиёсати натижаларига тўхталиш лозим. Охирги йилларда нафақат Ўзбекистон тараққиётда, балки Марказий Осиё минтақасидаги интеграция жараёнла-рида ҳам қатор ижобий ўзгаришлар кузатил-моқда. Бугунги кунда глобал сиёсий ва иқти-содий муносабатлар мураккаб, ўзгарувчан ва мавҳум тус олган бир шароитда, мамлакати-мизнинг иқтисодий хавфсизлигини таъмин-лаш ўта долзарб вазифаға айланди.

O‘zLiDePнинг тадбиркорликни қўл-лаб-қувватлаш ва иқтисодий эркинликларни кафолатлаш борасидаги ғоялари ҳамда дас-турий мақсадлари айнан шу ҳаётий эҳтиёж-ларға жавоб беради. Халқаро майдонда эса Ўзбекистон БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида Барқарор ривожланиш мақсад-ларига эришиш йўлида миллий стратегия-ларни муваффақиятли амалға оширмоқда. Янги Ўзбекистон тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ташаббускор-лик кўрсатиб, прогрессив халқаро шартно-маларға қўшилмоқда ва ўз зиммасига олган мажбуриятларни масъулият билан бажариб келмоқда.

Бу борада юртимиз иқтисодий юксалиши учун стратегик аҳамиятға эга бўлган жараён-ни – Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлиш доирасида парламентимиз томонидан ратификация қилинган ва партиямиз фракци-яси қўллаб-қувватлаган қатор келишувларни мисол келтириш мумкин. ЖСТға интеграция-лашув асосини ташкил этувчи бу ҳужжатлар ишбилармон ва тадбиркорларимиз манфа-атларини ҳимоя қилиш орқали миллий иқти-содий хавфсизлигимизни мустаҳкамлашға хизмат қилади. Иқтисодий барқарорлик эса умумий хавфсизлиқни таъминлашнинг энг муҳим омили экани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

– Маълумки, депутатлик сўрови – кўпгина муаммоларни ҳал қилишнинг кучли механизми. Халқ вакили сифатида салкам 17 йиллик залворли фаолиятингиз давомида сайловчиларнинг йиллар давомида ечилмай келган қандай муаммоларини ижобий ҳал этишға эришдингиз. Бу мураккаб жараёнда қандай тўсиқларға дуч келганингизни ҳам очиқ айта оласизми?

– Депутатлик сўрови – сайловчилар то-монидан кўтарилаётган муаммоларни ҳал этишининг самарали воситасидир. У жиддий ўрганишни ва асосли саволлар шакллан-тиришни талаб қилади. Тошкент шаҳридан сайланган вакил бўлганим боис фаолиятим давомида пойтахтимиз учун долзарб ҳисоб-ланган йўл инфратузилмасини яхшилаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, таълим ва тиббиёт объектларининг қўлай жойлашуви ҳамда замонавий стандартлар асосида қури-лиш, кўп қаватли уйлар, чикиндиларни бош-қариш ва ободонлаштириш каби масалалар юзасидан мутасадди вазирлик ва идораларға мурожаат қилганман. Қувонарлиси, бу сўров-ларнинг аксарияти ижобий ечим топган.

Масалан, 2018 йилда Чилонзор туман-идаги ўрганишларимиз ва аҳоли мурожа-атлари асосида Соғлиқни сақлаш вазирига йўллаган депутатлик сўровим натижасида бирламчи тиббиёт муассасаларида беморлар учун кундузги стационарлар ташкил этилди. Шунингдек, Юнусобод туманидаги учрашув-ларда ўтган асрнинг 40-50 йилларида қурилган 49-оилавий поликлиника биноси ўта эскиргани маълум бўлди. Бу ҳолат аҳоли ва

шифокорларға қатор ноқулайликлар туғди-раётган эди. Масала юзасидан соҳа вазирли-гига юборган сўровим қўллаб-қувватланиб, янги бино қуриш учун маблағ ажратилди. Бу-гунги кунда ушбу тумanning Отчопар 1, 2 ва Оқтепа маҳаллалари аҳолиси замонавий тиб-биёт муассасасидан баҳраманд бўлмоқда.

Яна бир депутатлик сўровим таълим ва-зирига йўналтирилиб, унда Мирзо Улуғбек туманидаги ўқувчи-ёшлар учун зарур бўлган “Баркамол авлод” маркази биносининг ҳу-сусий тадбиркорлик субъектиға бериб юбо-рилиши олди олинди ва сақлаб қолинди. Бу-гунги кунда ушбу маскан тўлиқ таъмирланиб, “Келажак маркази” сифатида фарзандлари-мизнинг ўйғун ривожланишиға хизмат қил-моқда.

Албатта, сўровларни йўналтириш ва кўриб чиқиш жараёнларида айрим муаммо-ли ҳолатлар учраган, бироқ уларни тўсиқ деб ҳисобламайман. Ислохотлар самараси ўла-роқ, илгари муаммо саналган қўллаб масала-лар бугун ўз-ўзидан долзарблигини йўқотиб, тизимли ечим топаётганиға гувоҳ бўляпман.

Ҳозирги глобал иқлим ўзгариши шаро-итида пойтахтимизда “Яшил макон” лойиҳа-сини кенгайтириш, аҳоли учун қўлай муҳит барпо этиш, айниқса, дарахтзор ва ланд-шафтларни суғориш тизимини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш зарур. Бунинг учун шаҳардаги тозаланган оқава ва ёмғир сувларини тўғри йўналтиришни ташкил этиш масалалари бўйича сайловчиларимиз таклифларидан келиб чиқиб, мутасаддилар-ға янги депутатлик сўровларини юборишни режалаштирганман.

– Сайловчилар билан бўладиган юзма-юз суҳбатлар кўпинча янги қонун лойиҳалари учун асос бўлади. Улар ўртаға ташлаётган қайсидир тақлиф ёки муаммо сизнинг ташаббусингиз билан парламентда қонун даражасиға кўтарилган ёки амалдаги қонунларға ўзгартариш киритилишиға сабаб бўлганми?

– Сайловчилар ва тиббиёт соҳасининг етакчи мутахассислари томонидан 2017 – 2018 йилларда кўтарилган долзарб масала асосида ишлаб чиқилган ҳамда 2019 йилда қабул қилинган “Фуқароларнинг репродук-тив саламатлигини сақлаш тўғрисида”ги қон-ун ташаббускорларидан бириман.

Ушбу ҳужжатнинг ҳаётға таътиб этили-ши жамиятимизда ижобий ижтимоий таъсир кўрсатди. Натижада қўллаб ватандошлари-мизнинг ота-она бўлиш бахтиға эришиши, фуқароларимизнинг репродуктив ҳуқуқлари таъминланиши учун кенг имкониятлар яра-тилди. Шунингдек, тиббиёт тизимида замо-навий услублар ва янгича ёндашувларға йўл очилди. Мазкур қонуннинг ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши жараёнида бевоасита иштирок этиб, ўзига хос тажриба ҳамда уну-тилмас таассуротлар орттирганимдан фахр-ланаман.

– Сизни тажрибали сиёсатчи ва олима сифатида биламиз. Шу билан бирга, аёлсиз. Сиёсатнинг шиддатли ва масъулиятли юки билан оиладаги рафика, оналик вазифаларини мувозанатда сақлаш сирини замондош аёлларимиз, хусусан, сиёсатға кириб келаётган ёш авлод вакилларига қандай изоҳлаган бўлардингиз?

– Сиёсатда ёки профессионал фаоли-ятда ким бўлмайлик, оилада ота-онамизға фарзанд, яқинларимизға опа-сингил, тур-муш йўлдошимизға рафика ва жигарбанд-ларимизға онамиз. Бу вазифаларни бирдек мукаммал бажариш ҳар бир аёлдан, аввало, юксак сабр, ирода ва муомала маданиятини талаб этади. Манманликдан йироқ бўлиш, камтаринликка интилиш, ўз қарашларига эга бўлиш билан бирга бошқаларнинг фикрини ҳам қадрлаш каби фазилатларни шаклланти-

риш зарурлигига ҳаётий тажрибамда кўп бор амин бўлганман.

Баъзан сукут сақлаш, ўрни келганда эса кучли ва асосли далиллар (аргументлар) би-лан ўз фикрини баён қила олиш – фақат те-ран билим соҳибларига хос хусусиятдир. Бундай дипломатик қобилиятға эга аёлларни юртимизда ҳам, хорижда ҳам кўп учратдим. Уларнинг ҳаётда муваффақият қозониши, би-ринчи навбатда, юксак шахсий фазилатлари ҳамда умуминсоний қадриятларға содиқ қол-ганликлари билан боғлиқ деб ўйлайман.

– Кичкина Дилором келажакда депутат бўлишни эмас, балки мутлақо бошқа соҳа вакили бўлишни орзу қилгандир? Ўша қизалоқ бугунги Дилором Файзиеваға қараб нима деган бўларди? Ҳамманинг болалигида бир сири ёки катталардан яширган шўхлиги бўлади. Сизда ҳам шундай унутилмас хотиралар борми, ҳозир ҳам эсласангиз юзингизға табассум югуртирадиган?

– Болалигим жуда қизиқарли тафси-лотлар ва бой таассуротларға тўла. 4-5 ёшлик чоғларимда дадам мени ўзлари фа-олият юритадиган Нефть ва газ геологи-яси илмий-тадқиқот институтидаги кимё лабораториясига олиб борардилар. Ушанда отамдек олим, кимёгар-геолог бўлишни орзу қилганим ҳануз ёдимда. Энг қизиғи, “депутат” сўзини ҳам илк бор ўша ёшда эшитганман. Бу сўз мени жуда қизиқтирган ва кўз олдимда катта креслода ўтирган, костюм-шимли, гал-стукли ўта жиддий одамлар гавдаланарди.

Кейинчалик, ўқувчилик йилларимда бо-бом ва бувимдек педагог бўлишни, болалар-ға дарс беришни хоҳладим. Бироқ онамнинг маслаҳатлари билан тиббиёт соҳасини танла-дим. Менға жамоат соғлиғини сақлаш тизи-ми кўпроқ мақбул кўринди. Шу боис санита-рия, гигиена ва эпидемиология йўналишини танлаб, кейинчалик экология ва саламатлик мавзусида илмий фаолият олиб бордим. Ма-на шу изланишларим ва ҳаётий тажрибам ор-тидан охир-оқибат депутат бўлиб сайландим.

Бугун ўша кичкина Дилоромға: “Бар-ча орзуларингға эришдинг. Ҳаётингнинг илк йилларида “депутат” номи бежиз қўлғингға чалинмаган, бу тақдир экан”, деган бўлардим. Ёшлигимда шўх бўлмаганман, катталардан ҳеч нарсани яшира олмасдим. Яқинларим ме-ни табиятан оғир, босиқ ва мулоҳазали бўл-ганимни, доимо китоб мулолааси, уй юмуш-лари ва ука-жиянлар парвариши билан банд юганимни айтишади. Хуллас, менға доимо сокинлик ва эмин-эркин муҳит ёқарди.

Албатта, эслаганда юзға табассум югур-тирадиган хотиралар ҳам талайгина. Сақкиз ёшимда содир бўлган ва шу пайтгача сир ту-тилан бота-оқеани тез-тез эслайман. Уйимиз Шота Руставели номли машиналар серқат-нов бўлган катта кўча бўйида жойлашган эди. Ота-онам йўлдан назоратсиз ўтишимға асло рухсат беришмасди. Лекин бир кун ўзимни синаб кўриш учун, транспортлар узокориди бўлган пайтда кўчанин у томонига ўтиб, тез-да яна ортға қайтдим. Бу мен учун мустақил-лик сари ташланган илк қадам эди. Ушанда жуда суюнганман ва ўзимға бўлган ишончим ортган.

Бугун менға меҳр ва билим бериб, ҳа-ётий тажрибаси билан келажакимни нураф-шон қилган азиз инсонлар — устозларим ол-дида таъзимдаман. Улар кимлар, десангиз, аввало, ота-онам ва бобо-бувимдир. Шунинг-дек, мактаб ва олий ўқув юртидаги ўқитув-чиларим, илмий раҳбарларим, юртимиз ва хориждаги ҳамкор университетлар профес-сорлари ҳамда парламентда кўп йиллар бир-ға фаолият юритган тажрибали ҳамкасбла-римдир. Улар ҳақида ҳар қанча гапирсам оз. Ҳаётимизнинг ҳикматларға бойлиги ва гўзал-лиги ана шундай кутлуғ инсонлар борлиги би-лан белгиланади.

“XXI asr” мухбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА суҳбатлашди.

ДАСТУР ҚОҒОЗДАМАС, АМАЛДА ИШЛАЯПТИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

O'zLiDeP томонидан амалга оширилаётган "Халқ билан бирга" умуммиллий дастури доирасида Оққўрғон туманида ўтказилган "Бир оила – бир ҳоимий" акцияси кўпчилиikka маъқул бўлди. Оққўрғон тумани Бирлик маҳалласида яшовчи фуқаро Зулфия Фармонова ўзининг оғир ҳаётий муаммоларини баён этиб, ёрдам сўраган эди.

Олинган мурожаат юзасидан партия вакиллари, мутасадди ташкилотлар ҳамда ташаббускор тадбиркорлар иштирокида хонадон аҳоли атрофлича ўрганилди. Натижада Зулфия Фармонованинг яшаш уйи анча таъмирталаб ҳолатга келиб қолгани, бундан ташқари, унинг саломатлигида ҳам жиддий муаммолар мавжудлиги аниқланди.



Саховатпеша тадбиркорлар ҳоимийлиги остида ушбу хонадонни сифатли таъмирлаш учун зарур бўлган барча қурилиш материаллари ва ҳомашёлар бепул етказиб берилди. Туман ҳокимлиги ва O'zLiDeP туман кенгаши ҳамкорлигида у соғлиғини тиклаши ва ҳордиқ чиқариши учун Бўстонлик туманидаги шифобахш сихатгоҳлардан бирига бепул йўлланма билан юборилди.

Мазкур акция доирасида кам таъминланган оилалар мунтазам равишда озик-овқат ва дори-дармон билан таъминланади, фарзандларининг сифатли таълим олиши учун зарур шароит яратилиб, ўқув қуроллари етказиб берилди.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,
O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудир

ҚАШҚАДАРЁ

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан "Халқ билан бирга" умуммиллий дастури доирасида Миришкор ва Касби туманларида сайёр қабуллар ташкил этилди. Фуқароларнинг маиший ва ижтимоий муаммоларини тинглаш ҳамда уларга амалий ечим топиш мақсадида ўтказилган ушбу тадбирда 355 нафар киши қатнашди.



Мулоқотлар давомида ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маиший масалаларга оид жами 123 та мурожаат атрофлича кўриб чиқилди.

Натижани қаранг:

43 та масала жойида, тезкорлик билан ҳал этилди;

57 та мурожаат ижроси қатъий назоратга олиниб, тегишли масъулларга вазифалар юклатилди;
фуқароларга жами 24,7 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди;
юзма-юз мулоқотлар самараси ўлароқ 13 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди;

16 нафар фуқарога соғлиғини тиклаши учун бепул тиббий йўлланмалар (ордер) берилди.

Қабул давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Маҳаллий тадбиркорларнинг ташаббуси ва ҳоимийлиги билан ёлғиз кексалар ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларга озик-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Шунингдек, ҳаракатланиш аъзоларида нуқсон бўлган тўрт нафар ногиронлиги бор шахс зарур ортопедия маҳсулотлари билан таъминланди.

Сайёр қабулда ўртага ташланган оғриқли мурожаатлардан бири миришкорлик Искандар Худойкуловдан эди. У ногирон фарзандини даволатиш учун маблағ тополмаётганини айтиб, ёрдам сўради. Отанинг дарди эътиборсиз қолмади: шу куннинг ўзидаёқ бемор туман тиббиёт бирлашмасига қарашли шифохонага жойлаштирилди ва даволаниш учун зарур бўлган барча дори-дармонлар бепул олиб берилди.

Тадбир иштирокчилари бу каби сайёр қабуллар фуқароларнинг давлат ва партия билан бевосита мулоқотини кучайтиришда, аҳолининг ижтимоий ҳаёт-ясини мустаҳкамлашда муҳим кўприк бўлаётганини алоҳида эътироф этишди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

ХОРАЗМ

"Халқ билан бирга" умуммиллий дастурининг "Бир кунда – 1 000 китоб" акцияси доирасида Урганч шаҳридаги "Билим – ҳазина" ахборот-ресурс марказида ташкил этилган маънавий-маърифий учрашув чинакам адабиёт байрамга айланиб кетди.

Қизгин кечган мулоқотда "Шуҳрат" медали соҳибаси, таниқли шоира Сайёра Самандарова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими вакиллари, партия фаоллари, Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши аъзолари ҳамда илмга чанқоқ ёшлар иштирок этди.



Бу галги учрашувнинг эътиборли жиҳати шунда бўлдики, унда нафақат бадий мутлоа, балки бугунги глобал ахборот маконида медиасаводхонлиқни оширишнинг долзарб аҳамияти ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Ахборот оқими тобора кучайиб бораётган асримизда ёшларнинг турли мафкуравий хуружларга қарши танқидий ва мустақил фикрлай олиши, маълумотларни ишончли манбалардан саралашни энг муҳим вазифа экани алоҳида таъкидланди. Бу борада ҳам китоб энг тўғри ва содиқ йўлчи экани эътироф этилди.

Акция доирасида кутубхона фонди бадий, илмий, маърифий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий адабиётлар билан бойитилди. Тақдим этилган сара китоблар маскан ҳазинасини янада тўлдириб, урганчлик китобхонлар учун муносиб маънавий тўғр бўлди. Зиё масканидан тарқалган бу каби хайрли ташаббуслар маърифатли жамият барпо этиш ҳамда "Халқ билан бирга" умуммиллий дастурининг эзгу ғояларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

ФАРҒОНА

Навбатдаги хайрли ташаббус Ёзёвон тумани Ахборот-кутубхона марказида амалга оширилди. Бу ерда партия фаоллари ташаббуси билан "Бир кунда – 1 000 китоб" акцияси юқори кайфиятда ўтказилди.

"ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2026"

Навбат вилоят босқичига!

O'zLiDePнинг "Халқ билан бирга" умуммиллий дастури доирасида ўтказилган "Ишбилармон аёл" кўрик-танловининг Қарши туман босқичида ўттиздан ортиқ фаол тадбиркор хотин-қизлар ўз бизнес лойиҳалари асосида ишлаб чиқарган маҳсулотларини намойиш этишди.

Ҳакамлар ҳулосасига кўра Алишер Навоий маҳалласида фаолият олиб бораётган тадбиркор Лобар Рўзимуродова биринчи ўринга лойиқ деб топилди ва танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди. Унинг раҳбарлигидаги корхонада "Eloha el fashion" миллий бренди асосида эликдан ортиқ турдаги эркак-аёллар ҳамда болалар кийимлари ишлаб чиқарилади. Маҳалладаги 23 нафар хотин-қизнинг бандлиги шу ерда таъминланган.

Иккинчи ва учинчи ўринларга



эса Ғубдин маҳалласида бир нечта стартап лойиҳаларни амалиётга татбиқ этган Латофат Ҳамроева ҳамда Бунёдкор маҳалласида тикув цехи очиб, намунали хизмат кўрсатиб, хурмат қозонган Шоҳида Усмонова сазовор бўлди.

– Кўп йилдан буён бу танловда иштирок этишни орзу қилардим, – дейди Лобар Рўзимуродова. – Фаолиятимни икки киши билан бошлагандим, бугун ўттизга яқин опа-сингилларим ёнимда. Маҳсулотларимизни мамлакатимизнинг деярли барча бозорларида қўришингиз мумкин. Сифатга эътибор қаратаётганимиз боис харидорлар сони кун сайин ортаётди. Танлов баҳонасида ҳамкасбларимнинг тажрибалари билан танишдим. Фаолиятимни янада кенгайтириш ва яна 20 та янги иш ўрни яратиш, ёш қизларга тикувчилик сирларини ўргатадиган ўқув маркази очиш ҳаракатидаман.

– Иштирокчилар тақдимотини ўрганиш чоғида уларнинг ўз маҳалла ёки қишлоғида янги лойиҳаларни амалиётга татбиқ этгани, хотин-қизлар ўртасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги амалий ишларига алоҳида баҳо берилди, – дейди O'zLiDeP Қарши туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари Феруза Мустаева. – Туманимизда ҳунармандчиликни ривожлантираётган хотин-қизлар сони тобора ортиб бораётди. Айниқса, гиламчилик, каштачилик, миллий либослар тайёрлашда намуна бўлаётган аёлларимиз яхшигина даромад топиб, рўзғорига барака киритишяпти.

Кўрик-танлов ғолиблари туман кенгашининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

Миллийликдан экспортгача

Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида O'zLiDeP ташаббуси билан "Ишбилармон аёл – 2026" кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди. Унда ҳудуддаги маҳаллалардан 21 нафар фаол ва ташаббускор тадбиркор хотин-қиз иштирок этиб, ўз бизнес лойиҳалари ҳамда маҳсулотлари кўргазмасини намойиш этдилар.

Ҳакамлар ҳайъатининг якуний ҳулосаларига кўра, хориҳлик сайёҳларда катта қизиқиш уйғотаётган сувенирлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ҳунарманд Шахло Матмуратова фахрли 1-ўринни эгаллади ва вилоят босқичига йўлланма олди. Шунингдек, "Robiya Raimbaeva" ательеси раҳбари Робия Раимбаева 2-ўринга, сунъий гуллар ясаш билан шуғулланиб келаётган тадбиркор Саломат Хўжанафасова эса 3-ўринга муносиб деб топилди.

Саломат ХЎЖАНАФАСОВА,
тадбиркор:

– Етти йилдан буён сунъий гуллар ясаш билан шуғулланаман. Бу касб мен учун нафақат даромад манбаи, балки санъат ва ижод маҳсулидир. Бугун юртимизда аёллар учун



Маърифат байрамига айланган ушбу тадбирда маҳаллий кенгаш депутатлари, партия фаоллари, кўпни кўрган табаррук фахрийлар ҳамда илмга чанқоқ ёшлар жам бўлишди. Шу куни кутубхона фондини бойитиш мақсадида ташкил этилган акция чинакам амалий натижа берди. Тадбир ташкилотчилари, депутатлар ва зиёлилар томонидан марказ ҳазинасига 100 дан ортиқ дурдона бадий, илмий-оммабоп ва маърифий адабиётлар совға қилинди. Жаҳон ва ўзбек адабиётининг сара намуналаридан иборат ушбу китоблар туман ёшлари учун совға бўлди.

НАМАНҒАН

O'zLiDePнинг "Халқ билан бирга" умуммиллий дастури ҳамда "Креатив ёш тадбиркор" лойиҳаси доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Маъруфжон Раҳмонов Уйчи туманида бўлиб, креатив фикрлайдиган, ташаббускор йигит-қизлар ва ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқилган инновацион ғоя ҳамда лойиҳалар кўргазмаси билан яқиндан танишди. Шундан сўнг маҳаллаларда фаолият юритаётган ёшлар етакчилари билан суҳбатлашди. Унда ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ва жойлардаги тизимли муаммоларни бартараф этиш каби долзарб масалалар ўртага ташланди.



Мулоқотнинг энг муҳим ва эътиборли қисми ижтимоий ҳимояга муҳтож, оғир ҳаётий шароитга тушиб қолган ҳамда оталиққа олинган ёшлар билан кечди. Депутат уларнинг ҳар бир мурожаат ва тақлифини диққат билан тинглади. Эътиборлиси, мурожаатлар шунчаки қайд этиб қўйилмасдан, тумандаги мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида атрофлича таҳлил қилинди ва аксариятига шу жойнинг ўзида, тезкорлик билан амалий ечим топилди.

Маъруфжон РАҲМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Бугун Уйчи ёшлари билан учрашувда уларнинг кўзидаги шижоатни, креатив ғояларини кўриб, очиги қувондим. Бизнесинг бош мақсадимиз – фақат тайёр муаммони ҳал қилиб бериш эмас, балки йигит-қизларда, айниқса, оталиққа олинган ва ижтимоий кўмакка муҳтож ёшларда ўзига бўлган ишончни уйғотишдир. Уларга бизнес бошлаш, инновацион лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш учун тўғри йўналиш ва имконият берилса, улар нафақат ўз муаммосини ҳал қилади, балки туман иқтисодиётига ҳам янги нафас олиб қиради.



яратилган кенг имкониятлар туфайли ўз бизнесини дадил ривожлантиряпман. Келажақда ёш қизларга ҳунар ўргатиб, янги иш ўринлари яратмоқчиман. Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган O'zLiDeP партиясига самимий миннатдорлик билдираман. Сафдошларимга эса: "Орзу қилишдан қўрқманг, меҳнатдан тўхтаманг, ҳар бир аёлда катта салоҳият бор", деган булардим.

Танлов хотин-қизларнинг тадбиркорлик соҳасидаги билим ва кў-

никмаларини намоеън этиш, уларни янги лойиҳалар сари рағбатлантириш ҳамда маҳаллаларда бандлик муаммосини ҳал этишга хизмат қилиши билан алоҳида аҳамият касб этди. Якунда ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Севара РЎЗМЕТОВА,
O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши бўлим мудир



ТАЛАБ – ТАЛАБГОР – ТАЛАБА

Оддий бир қаламқаш, ижодкор ўлароқ, тезкор замондан орта қолмаслик ташвиши ҳамisha елкамизда. Тўғриси, баъзан кун ё ҳафта воқелик янгиликлари шу қадар кўплигиданми, баридан воқиф бўлмоққа фурсату имконим етмайди. Масалан, аynи шу кунларда мамлакатда фаолият юритаётган икки юздан ортиқ олий таълим муассасаларида талабаликка қабул жараёнлари қандай кечмоқда, ўқишга ҳавасманд ёшлар адади қанча, бу борада ҳудудлар кесимида илгорлик даражаси қандай аҳволда деган саволлар эътиборимиздан четда қолаётгани бор гап...

Эсингиздами, ўн йиллар бурун атиги 65 та ОТМ бўлиб, унда таҳсил олувчилар сони ярим миллион нуфусга етиб, етмасди. Ўқиш ҳавасида бўлган ёшлар кириш баллари юқорилиги, айрим университетларда бир ўринга эллик ва ундан ортиқ абитуриент ҳужжат топшириши натижасида орзуси ушалмай, иложсизликдан қўшни давлатлардаги хусусий ва бошқа турдаги олий ўқув юртларида каттагина маблагъ эвазига бўлса-да, талаба бўлмоққа эришарди.

Давлатимиз раҳбарининг олий таълим соҳасига жиддий эътибор қаратгани, яъни, аввало, олий даргоҳлар сонини кўпайтириш, бу жараёнга хориждаги нуфузли университетларни жалб қилиб, уларнинг филиалларини очиб, талабаларни ётоқхона билан таъминлаш, ижарада яшаётганларига ижара тўловларини тўлашда моддий кўмаклашиш каби имтиёз ва энгилликлар яратиши ёшларда ўқиш иштиёқини кескин ошириб юборди. Энг сўнгги расмий маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда Ўзбекистонда фаолият юритаётган ОТМда таҳсил олаётган талабалар сони бир ярим миллионга етибди! Бу ҳазилакам рақам эмас, тўғрими? Ушбу кўрсаткич бўйича дунёнинг ривожланган давлатларига аллақачон етиб олдик. (Айтганча, бу рақамлар юртимиздаги олий ўқув юртларидаги талабалар сонини ифодалайди. Энди хориж давлатларида таҳсил олаётган ёшларимизни ҳам бу ҳисобга қўшсак рақам янада катталашади).

Демак, маълум бўладики, қарийб қирқ миллионни қоралаб қолган мамлакатнинг ҳар йигирма беш нафар фуқаросидан бири бугун талаба мақомида. Агар умумаҳоли сонидан кескалар, аллақачон олий маълумот олиб, турли соҳада ишлаётганлар, МТМларида тарбияланаётган болақонлар, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва бошқа турли касб-хунар эгаларини соқит қилсак... қиёсан

таққослаш жуда залворли келади, яъни бугун талабалар сони шу ёшдагиларнинг деярли тўртдан бирини ташкил қилади.

Давлат томонидан яратилган имкони-ятлар тўғрисида олий таълимда таҳсил олиш кўрсаткичи шаҳарлардан кўра кўпроқ қишлоқ маҳаллаларига кўчганига анча бўлди. Мисол дейсизми? Боғот туманининг 3 400 нафарга яқин ёшлари бугун юртимиз ҳамда хорижий олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда. Тумандаги Маънавият маҳалласидаги талабалар сони салкам уч юз нафар. Бунга яқин кўрсаткичини тумандаги Қалъажикқалъа ҳамда Найман маҳаллаларида ҳам кузатиш мумкин. Бу эса ушбу ҳудудларда яшовчи аҳолининг беш фоизга яқини аynи пайтда талаба эканлигини кўрсатади.

Юқорида мисол тариқасида келтирилган учта маҳалла нисбатан чекка ҳудуд саналади. Аммо уларда фаолият юритаётган умумтаълим мактабларида таълим ўта юқори даражада ташкил қилинган, моҳир ва талабчан педагоглар ёшларга пухта билим беришлари ёшларда ўқиш ҳавасини уйғотгани аён бўлади. Янада эътиборлиси, туманда турли фанларга ихтисослашган мактаблар сони атиги иккита.

Амалдаги йил ОТМга ҳужжат топширган абитуриентлар сони ўтган йилларга нисбатан камроқ, яъни 664 600 нафарни ташкил қилгани ҳақида расман маълумот берилди. Қиёслаш учун, олти йил аввал бу рақам деярли икки ҳисса кўпроқ бўлган. Бу ёшларимиз ўр-тасида олий таълимга бўлган қизиқиш пайсаяди, дегани эмас. Яқин-яқинларгача умумтаълим мактаблари раҳбарлари олдида ғалати режа қўйилар, яъни битирувчилар олий таълим масканларига ҳужжат топшириши шарт қилиб қўйилиши амалиётда бор эди. Битирувчи ёшлар ҳаётда бошқа касб ёки хунарни танлашлари, касб-хунар даргоҳларида за-



мона учун зарур қурувчилик ёки тадбиркорлик сирларини ўзлаштириб, шу орқали турмушларини фаравон қилишлари мумкинлиги эътибордан соқит қилинганди. Мактаб раҳбарлари ушбу режани қандай бажаришлари-га қараб рағбатлантирилишар ёки жазо ҳам олишарди. Шу сабаб мактабда ўртача баҳога ўқиган битирувчилар тест синовларида омадини синаб кўриш учун ҳужжат топширишгани ва ҳатто мактаблар маъмуриятлари ўз ихтиёри билан олий даргоҳларга ҳужжат топширмаган ўқувчиларни мажбурлаб, ҳужжат топшириш учун белгиланган тўловни ўз чўнтакларидан тўлашганини ҳам билимиз. Беш йил олдин салкам бир ярим миллион ёшлар абитуриент бўлишгани борасидаги “рекорд” ортида аynи шу мантиқсизлик, яроқсиз тажриба ётмаганмикан?

Эътибор берясизлими, юқоридаги бемаъни талабнинг бекор қилиниши асл ҳақиқатни, яъни фақат ўқиш ҳавасида бўлганлар сони-ни бугунга келиб аниқ-ойдин белгилаб берди. Авваллари ёшлар қайси институт ёки университетга ўқишга кирмоқчи бўлса, бевосита ана шу даргоҳ жойлашган манзилга бориб

ҳужжат топшириши ва имтиҳонда қатнашиши шарт эди. Ҳужжатларни ҳар бир ҳудуднинг ўзида қабул қилиш ва тест синовларини ўтказиш, тўплаган балларига қараб ОТМ танлаш тажрибаси амалиётга айлантирилгани ҳам талабаликка талабгорлар сони кескин ошишига сабаб бўлгани бор гап. Бу тизим ўқиш ҳавасидаги ёшларни ортиқча харажатлардан халос этади.

Аслида ўзи орзу қилган мутахассисликка ўқиш учун талабгорда пухта билим бўлиши шарт! Шунчаки диплом олиш учун қайсидир таълим даргоҳида талабалар рўйхатида туриш билан мақсадга эришилмайди.

Пухта билим нима? Рақамларга мурожаат қиламиз: Хонқа туманидаги умумтаълим мактабларида ўқиётган олти юз нафардан зиёд ёшлар аллақачон дунёнинг нуфузли университетларига онлайн синовлар орқали қабул қилиниб, бу борада мақсадли грантларни қўлга киритибди. Талабаликни нақд қилиб қўйган ёшлар орасида нафақат битирувчилар, балки юқори синфларда ўқиётган йигит-қизларнинг ҳам борлиги қувонарли эмасми?

Ёки ҳали тест синовлари бошланмасидан олдин 189 балл тўплашга эришган абитуриентлар сони бу йил республика миқёсида 13 минг нафардан ошди, дейишди масъуллар. Тасаввур қилиясизми: улар имтиҳонсиз ўзлари хоҳлаган ОТМга қабул қилинади. Ўтган йили муддатидан олдин талаба бўлиш бахтига сазовор бўлганлар сони атиги 678 нафар эди. Бир йилда бу даражада ўсиш рекорд натижа-ку!

Бозор сиёсатининг темир қордаларидан бири – талаб эҳтиёждан келиб чиқши эди. Аynи шу эҳтиёж талабгорларни саралайди ҳам.

Бугунги ТАЛАБ фақат ўқиш иштиёқига бўлган ТАЛАБГОРларни майдонга олиб чиқди. Уларнинг яна қанчаси ТАЛАБА бўлишини ажратилган квоталар ва албатта пухта билим ва иқтисодий имкониятлар белгилайди. Бу жараёнда улоқни фақат билимли, салоҳиятли ёшлар олиб кетадилар.

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” муҳбири

ВАКИЛИМИЗ

БУНЁДКОРЛИК

РАМЗИЙ АКЦИЯ ЎРНИГА СТРАТЕГИК ҲАРАКАТ

Маълумки, O‘zLiDeP томонидан илгари сурилган “Халқ билан бирга” умуммиллий дастурининг Жиззах вилоятидаги ижроси таҳлил қилинганда, мазкур ташаббуснинг бир марталик ёки рамзий акция эмас, балки узоқ муддатли, изчил ва тизимли стратегик ҳаракат эканлиги яққол кўзга ташланади.

томонидан ёшлар учун янгича усулда пахтадан 85, ғалладан 100 центнердан ҳосил олиш сирлари, томчилатиб суғориш ва замонавий агротехнологиялар билан боғлиқ маҳорат дарслари ташкил этилди. Бу эса ёшларга келгусида

Энг муҳими, ўтказилаётган тадбирлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олаётир. Бу борада тажрибали депутатларнинг фаоллигини алоҳида таъкидлаш керак.

Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгаши депутати Эркин Холматовнинг Зарбдор тумани Тошкесган маҳалласида сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашуви фикримиз исботи бўла олади. Мулоқотда бундан қирқ йил аввал ўрнатилган ва муддатини ўтаб бўлган 12 километрлик ичимлик суви тармоғини, эскирган тез ёрдам машинасини янгилаш, янги ёрдам ва Ўстлик кўчаларидаги яроқсиз симёғочларни бетон устунларга алмаштириш ҳамда 4,6 километрлик кабеллар тортиш каби муаммолар муҳокама қилинди. Уларни ижобий ҳал этиш юзасидан ҳамкор ташкилотлар билан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. Айримлари (масалан, маҳаллий даражадаги чиқинди контейнерларини ўрнатиш ва ҳ.) эса шу жойнинг ўзида ҳал этилди.

Пахтакор туманининг Тошкент ҳамда Ғаллаорол туманининг Хонимкўрган маҳаллаларида ташкил этилган бепул тиббий кўрик доирасида 100 нафардан зиёд ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар вакиллари-нинг қамраб олингани, терапевт, кардиолог, гинеколог каби мутахассисларининг бевосита қишлоқларга бориб хизмат кўрсатгани аҳолининг оғирини энгил қилди. Яна бир муҳим жиҳат шуки, тиббий кўриқлар соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш бўйича ўзига хос маҳорат сабоқлари билан уйғунлиқда олиб борилди. Бу эса сиёсий куч фаолларининг ҳар қандай



хасталикнинг оқибатлари билан курашишдан кўра, аксинча, унинг олдини олиш, яъни тиббий маданиятни юксалтириш орқали узоқ муддатли соғломлаштириш стратегиясига эга эканлигини аниқлатади.

“Халқ билан бирга” дастури доирасидаги тадбирларда депутатлар ва партия фаоллари фақат бугунги кун муаммолари билан чекланиб қолмай, эртанги кунимизнинг иқтисодий ва интеллектуал асосини яратишга ҳам интиломоқда. Зарбдорда ташкил этилган “Ёш фермерлар тажриба мактаби” акцияси бунинг яққол исботидир. Акция доирасида тажрибали деҳқонлар

ердан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалигини бизнес режа асосида юритишда қўл келиши шубҳасиз.

Шу билан бир қаторда, Арнасой туман техникумида бўлиб ўтган “Бир кунда – 1 000 китоб” акцияси доирасида кутубхона фондига 300 дона бадий адабиёт дурдоналари тақдим этилиши ҳам кўпчилиikka манзур бўлди. Чунки иқтисодий билим ва маънавий дунёқараш уйғунлашгандагина жамиятда барқарор ривожланиш кузатилади.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” муҳбири

ЯНГИ МАВСУМ – ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Қорақалпоғистон Республикасида давлат дастурлари доирасида таълим муассасаларини янгилаш ва замонавий инфратузилмани барпо этиш ишлари изчил давом этмоқда. Масалан, Амударё туманидаги Навоий маҳалласида жойлашган 30-сонли умумтаълим мактаби биноси давлат дастури асосида реконструкция қилинмоқда.

Лойиҳа доирасида қўшимча 660 ўринли, уч қаватли замонавий ўқув биноси барпо этилмоқда. Ҳар бир қаватда санитария хоналари, шунингдек, ногиронлиги бўлган ўқувчиларнинг эркин ҳаракатланиши учун лифт ҳам ўрнатилади. Эътиборли жиҳати, қурилиш ишларини белгиланган тартиб-меъёрлар ҳамда қатъий талаб-қоидалар асосида “Mang’it energo-stroy” масъулияти чекланган жамиятининг тажрибали қурувчилари бажаришпти.

Шунингдек, **Беруний тумани Бийбазар овулидаги** 37-сонли умумтаълим мактабида ҳам аynи кунларда кенг қамлаб бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. 320 ўринга мўлжалланган ушбу таълим масканида ҳозирги кунга қадар салкам 600 нафар ўқувчи икки сменада таҳсил олиб келаётгани учун қўшим-

ча 360 ўринли янги ўқув биноси қад ростламоқда. Мазкур иншоот Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмаси асосида

ришган. Барча объектларда олиб борилаётган қурилиш ишларининг сифати ва хавфсизлигини Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий на-



Ойбек Исмоилов раҳбарлик қилаётган “Mang’it-ideal-qurilish” масъулияти чекланган жамиятининг малакали қурувчилари томонидан барпо этилмоқда.

Беруний туманидаги анча эскирган 21-сонли мактабгача таълим ташкилоти ўрнида ҳам давлат дастури асосида 90 ўринли янги таълим-тарбия муассасаси қурилмоқда. Мутасаддилар ушбу объектда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида пудратчи ташкилот ва масъул ходимларга тегишли ёзма кўрсатмалар бе-


зорат қилиш инспекцияси ҳамда техник назорат мутахассислари мунтазам мониторинг қилиб боришмоқда. Бу эса қурилиш меъёрлари ва қоидаларига қатъий риоя қилиниши, объектларнинг сифатли ҳамда белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишини таъминлашга хизмат қилади.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” муҳбири

Хизматлар лицензияланган.
Реклама хукуқи асосида тайёрланди.



КАНГУЛ ОДАМИ

Икром Отамурод кўнгилни етакламади.
Кўнгил Икром Отамуродни етаклади.

...Шоир Икром Отамурод бу ёруғ оламдан 2026 йил 12 июлда ўтди. Лекин унинг замони анча олдин ўтган, ўтиб тугаган эди.

У эски замон, ўтган замон одами бўлиб қолди, янги замонларга мослашмади. Бунга хохламади, бунга интилмади. Икром Отамурод умрда эмас, умр Икром Отамуродда яшади. Шоир умрни ҳам чарчатди. Икром Отамурод шоир ўлароқ умрда эмас, кўнгилда яшади, бошқа ҳеч ким билан эмас, фақат кўнгил билан яшади. Шоир бўлсаям фақат кўнгил туфайли шоир бўлди, адашсаям кўнгилга эргашиб адашди, тўғри йўлга кирсаям кўнгил қўлидан тутиб етаклаганда тўғри йўлга кирди.

Икром ака кўнгилни етакламади. Кўнгил Икром акани етаклади.

Икром ака ўзининг ҳаётдаги ва ижоддаги услуби, тутуми ва йўриғига хиёнат қилмади ҳеч. У шеърни эътикод деб билди.

Сўзни ҳар ким ўзича кўради, танийди.

Ўзича муносабатда бўлади сўзга.

Икром ака ўзининг “позывной”ига айланган “кангул” деган сўзни қаердан топди, қаердан олди? Албатта, мумтоз адабиётдан, халқ луғатидан.

Лекин... Ўтган аср... Тўқсонинчи йилларнинг бошлари... Ўша йиллар Тошкент марказида, тепасида “жонли соат” яшайдиган ва юксаклиги туфайли пойтахтнинг ҳамма жойидан кўриниб турган “журнальный корпус”... Муҳташам ва музайян бинонинг 8-қаватида “Саодат”, 9-қаватида “Шарқ юлдузи” журналлари... 8-қаватда ҳам, 9-қаватда ҳам улуғ шоирлар, ёзувчилар юради. Умуман, бинонинг ҳамма қаватларида, ён-атрофларида манаман деган буюкларни кўрасиз... Вой-бў...

Воқеа: “Саодат” журнали таҳририяти, 8-қаватдаги мени ишхонамда ишдан кейин тўпланганимиз: Икром Отамурод, Ғулом (Мирзо), Қўчқор (Норқобил), Тўра Мурод... яна... ҳозирда машҳурлар шу давраимизда бўлган. Сўхбат. Шеър. Май. Ҳа, май ойи, балки янаям иссиқ ёз. Шеърый хайриқилар... Ўшанда янги ёзилган “Маҳаббат”ни ўқидим... айнан “маҳаббат” деб ўқидим. Икром ака шу сўзга аҳамият берди. Ўзи шеър ўқиди, “кангул” деб ўқиди. Икром ака ўшанда: “Энди сен доим “маҳаббат” деб ёз, мен “кангул” деб ёзаман”, деганди. Ва айтган сўзидоқ доимгидек собит турди. Мен эса – йўқ!..

Икром ака ўшандан кейин яна бир сўзни тамоми ўзиники қилиб олди, бу “товуш” деган сўз эдики, уни доим “довуш” шаклида нафақат ёзди, балки гапирганда ҳам шундай талаффуз қилди. Чунки шоирнинг ота-она юрти Қашқадарёнинг Касбисидоқ “довуш” деб сўзлашади одамлар.

Икром ака доим тўғри сўзни айтди. Тўғри деб билган нарсасидан қайтмади. “Кангул”ми, “маҳаббат”ми, гап ҳарфларни қандай ёзишда эмас, моҳиятга содиқликда. Ҳарфларни тўғри ёзиб, моҳиятга амал қилмайдиганлар, моҳиятга етиб бормайдиганлар қанча.

У қаерда юрса ёки нима иш қилса... оилани доим ўзи билан олиб юрди.

Икром ака шеърга оила деб, оилага шеър деб қаради. Юраги тошганда ёки кўнгли буришганда, ўйлари ёғимланганда шеъргаям, одамларгаям айта олмайдиган сирларини шамолларга... сочмади, яна ўзида, ичида олиб қолди, гоҳида эса забонсиз дилдоши билан баҳам кўрди: шеърларга сочиб юборди. Айтиб йиғлади, йиғлаб айтди. Бу ғаройиб инсоннинг бир одати бор эди, ўта ўр эди. Бир айтган гапи хато экани кейинчалик билинса ҳам, унча-мунчада сўздан қайтмасди, ўзиникида туриб оларди. Ўзиникини тўғри деб билса, муросага бормасди, дангалчи эди.

“Ярадор умид отлари” дostonидан кейин муаллифнинг ўзи ҳам яраланди. Кейин сўнгги кунига қадар ярадор юрди.

У кўнгли нозик одам эди. Тез таъсирланарди. Тириклигида онаизорини ўйлаб, онаси дунёдан ўтганидан кейин, волида муҳтарамасини эслаб йиғларди, йиғлашдан уялмасди, хўнграб-хўнграб йиғларди.

Икром ака кўпчилигимизга ўхшаб, одамлар нима дейди, демади. Одамларга мослашмади. Одамларни ўзига ўргатди. Бакенбардига, юриш-туришига, гапиришига одамларни ўргатди. Одамлар шу ўзига хослиги, алоҳидалиги учун шоирни яхши кўрдилар.

Кўп дostonлар ёзди. Шоирнинг кучи дostonларда кўринади, деб ҳисобларди. Дostonларининг номларини ўзи бир дoston. Сони кўплигидан эмас, сўзларнинг маъно залворидан, маъно теранлигидан.

Янги дoston ёзиб тугатса, бизни “дoston тинглашга” чорларди. Кўпинча Ғулом иккаламиз бу чорловга “лаббай” деб жавоб берардик. Четроқ, овлоқроқдан бир сокин бир гўша топиларди, – Икром аканинг ёдида бу сифат гўшаларнинг тайёр харитаси бўларди доим, бир бурчакка танча қўйилар, асло шошилинимас, дoston қиттай-қиттай ўқилар, ака шеърни ҳазин маромда, назаримда, сўзларни туртиб-туртиб, тилда қоқилмасдан ўқирди, шоир ён-атрофдаги қизиқувчан нигоҳларга, чет эътиборларга, теварақдаги шовқини тақир-туқурларга асло парво қилмасди. Дoston ўқиб бўлингач, ўртада маҳтал қолган икки сик кабоб бошқатдан қиздиришга жўнати-ларди.

Биз – Қўчқор билан аканинг тўққизинчи қаватдаги хонасида унинг ўзидан янги дoston тинглаганларимизни эслаймиз. Янги дostonни муборакбоди лавиз бир кайфият оғушида кечар, ҳамма бир-бирига меҳрибон, ҳамма бир-бирига азизу қадрли бўлиб оларди.

Икром Отамурод ижодда, айримлар хаёлга берилгандек, космополит эмас, аксинча, ўта ватанпарвар, юртпарвар, элпарвар эди. Ҳатто шундай умумий кечинмаларда ҳам фақат ўз йўлидан боришга, кимларгадир ўхшамасликка, кимниларнидир тақорорламасликка, ўз

қиёфасини йўқотмасликка интиларди. Бунининг шу мавзудаги шеърлари дангал айтиб туради.

Айтилмаган, айтолмаган гаплари ичида қолди...

Ичида катта сукунат қолди.

Орзулари ва армонларини ўзи билан олиб кетди.

Ҳаётнинг бир ранги кетди...

Қаердадир ҳаётга янги ранг қўшилди...

Икром ака “Шарқ юлдузи” журналида... бир умр ишлади. Ака учун бошқа ишлашга арзийдиган жой йўқ эди. “Шарқ юлдузи”ни ташлаб кетмади. “Шарқ юлдузи” ҳам шоирни ташлаб қўймади... “Шарқ юлдузи” шоирнинг чинакам Тонг юлдузи бўлди... Зухро ҳам ҳар хил об-ҳавода, турли муҳитда ҳар хил чарақлайди. Жаҳон адабиётини, айниқса, шеъринини пухта билар, дунё адабиётидан яхши сабоқ бера оларди. Назаримда, шу жиҳатини ўзи ҳам сезар, шу боис ёш шоирларнинг шеърларини ўқиб, мулоҳазаларини билдиришдан эринмасди. Муҳими, у шеър ёзишни ўргатмас, шеър ёзишга ундар эди.

Хонасида, ён-атрофидо доим буюк шоир Ўлжас Сулаймон суратдан қараб турарди. “Шарқ юлдузи” таҳририяти бир неча жойга кўчди, лекин шу сурат доим Икром ака билан бирга юрди. Ўлжаснинг суратларини ҳам чин маънода ардоқлар, авайлар, назаримда, уни доим қалбидо олиб юрарди. “Ўлл-жасс...” деб меҳр ва соғинч билан талаффуз қиларди. Нозим Ҳикмат, Пабло Неруда, Литва шоири Юстинас Марцинкявичус ижодини яхши кўрарди. Шу шоирларнинг китоблари столида доим турарди. Негаки, бу маълум ва машҳур шоирларнинг сўзи, шеъри аканинг руҳиятига, кайфиятига, услубига, изтироблари ва қийноқларига яқин, уйғун, вобаста эди.

Шоир дунё ичра ўз дунёсида яшаб ўтди. Адабиётни қисматга, қисматни адабиётга айлантирди.

Шоигрдпарварликда, эҳтимол, улуғ Миртемирдан кейин камтарин Икром Отамурод бўлди. Шеърлари бир томон, устозлиги, шоигрдлар билан ишлашининг ўзи яна бир олам.

...Сариқ рангли уринган столнинг қулфланадиган тортмасини кичик калит

билан очиб, тортмадан бир сиқим пул олар эди: “Бу гонорар...” – дерди, гўё “гонорар” бўлса, уни бемалол “елга со-вურიш” мумкиндек... Бизга ўхшаган оч, юпун “ёш шоир”ларни гоҳ “Шарқ”нинг ҳовлисидоги ошхонада, гоҳ “Мовий гум-базлар”нинг тилга тушган муздек шар-батлари, сомса, палов, лағмон билан сиқларди.

Икром ака саргузаштли одам эди. Юрган йўлида саргузаштнинг ўзи Икром акани излаб келарди. Икром ака билан юрганда зерикмасдингиз, ҳар қадамда бир хангома олдингиздан чиқарди.

...Бир куни бир дўстимизнинг уйида ҳашар бўлди, ҳашардан сўнг “ошар” дав-ра тузилди. Кеч тушдиам, ҳеч кимнинг жилгиси, тургиси йўқ. “Халқлар дўстли-ги” саройининг рўпарасидоги кўп қават-ли уйлардан биридамыз. Кўчага чиқсак, қоп-қоронғи тун, ярим кеча. Кўчада на одам, на машина кўринади. 1990 йил. У пайтларда кўчаларда такси туғул бошқа машина ҳам кам. Борлари ҳам ёнимиз-дан ғизиллаб, тўхтамай ўтади. Анча фур-сат кутганимиздан кейин сариқ рангли “Газ-24” такси машинаси келди, тўхта-ди. Таксининг олдида бир аёл ўтирибди, посон – ялтир-юлтир кийинган. Тиззаси-да оқ дастурхонга ўралган катта тоғора. Орқа ўринда шу аёлнинг эри. Икром ака-ни зўрға машинага чиқаздим, тўрға ўтқа-зиб, ўртада мен ўтирдим. Икром акани Юнусободдаги уйига олиб боришим ке-рак. Лекин Икром ака машинага сиғма-япти, тўполон қила бошлади. Шерикла-римизга: “Шоир... шоирчилик...” – десам ҳам тушунишмади, Икром ака меҳмон-дорчиликда бошланган гапни бу ерда ҳам давом эттиравверди. Оғзига келган гапни қайтармади. “Ана, – деди, – ярим кечасиям эр-хотин бўлиб тоғора кўтариб юрибсилар... Одамлар мустақиллик деб ўлиб-тириляпти. Сизлар бўлсаларинг, тоғора деса, тоғдан ташлайсилар...”. Эр-хотинга ҳам, ҳайдовчи руслашган ўзбекларимиздан экан, у одамга ҳам бу гаплар айил ботди. Машинанинг ичида муштлашув бошланиб кетди. Айниқса, аёл шаллақилик қила бошлади. Орқа-га ўгирилиб, бизни бошимизга, елкала-римизга ура кетди. Биз тушишимиз ке-рак бўлган бекатда ҳайдовчи машинани тўхтатмади. “Ҳозир... (қаернидир айтди)

борамиз, ўша ерда “разбор” қилишади, сўзингга жавоб берасан...”. Машинани янаям тезлатди. Эшикни очаман, деб уринсам, ёнимдаги мардак қўймаяпти, у ҳам: “Ҳозир “разбор”га борамиз...”, дейди (у пайтларда “разбор” замонлари эди). Мен ўнг томонга қўзилиб, у одам-нинг устидан оша эшикни шартта оч-дим-да, уни ташқари итариб юбормоқчи бўлдим. У очилган эшикдан ташқарига осилиб қолди. Шундан кейингина такси йўл ўртасида тўхтади. Пастга тушдик, муштлашув бошланиб кетди... Хуллас, уйга кириб борганимизда жанжаллаш-ганларимиз кўриниб турарди. Менинг ҳарбий хизматдан, Венгриядан олиб кел-ган, ўша пайтда собиқ СССРда анқонинг уруғи бўлган электрон қўл соатим ўшан-да йўқолди...

Бунақа саргузаштлар, хангомалар кўп бўлган.

Шоир Икром Отамурод Касбини ях-ши кўрарди, ҳар лаҳза, ҳар он уни соғи-нарди. Туманга Касби номи қўйилишида, шу фикрнинг жамоатчиликка етиб бо-риши, сингиши ва ёйилишида роса жон куйдирди. Газета-журналларда, радио ва телевидениедаги чиқишларида шу фикрни қайта-қайта илгари сурди.

Ер айланиб, “Ульянов” деб номлан-ган туманнинг номи Касби бўлди.

Икром ака нафақат нозикдил, таъ-сирчан, балки кўнгилчан одам ҳам эди, “кангул” одами эди. “Кангул” де-ган сўз Икром акага ярашдими, йўқми, бу ҳақда ҳар ким ҳар хил гап айтади. Лекин бир нарсани аниқ: Икром ака кан-гулга ярашди. Ён-атрофдан, муҳитдан, калондимоғликлардан безди. Ундай ҳу-дудларга боргиси, қадам босгиси кел-масди. “Адабий безбетлик”, “адабий таъмагирлик”, “адабий олифталик” фа-зилатларини ўзида шакллантирмади, бунга уринмади ҳам. Бундай орзу-у-мидлар руҳиятида, табиатида йўқ эди. Ўз қадриятлари, ахлоқи, қарашлари, нуктаи назари ўзанида қолди, ўзининг ижодий ва инсонлик аурасидан чиқма-ди, бир қадам нарида оқиб ўтаётган кўҳна дарёнинг янги тўлқинлари, янги тўлғоқларини қабул қилмади, уларага кўнгил қопқасини очмади, ўзиникида қолди. Замон “трамвайи”га чиқиб олса бўларди, лекин чиқмади, ўзининг эски бекатида қолди. Шу IT замонида ҳам электрон шакли мавжуд бўлган шеър-ларни кўлда кўчириши, кўлёзма қили-ши, иссиқ-совуқ демасдан йўл четидан яёв юришлари унинг эски замонларда қолиб кетганининг далолати эди. У ҳар қандай тезликини қабул қилмади, ҳеч қа-чон шошилмади. Унинг юриш тезлиги – хаёл суришининг тезлиги эди. Унга ўша эски, кўҳна, қадимий нарсалар, бола-ликни, ёшликни, шоирликни эслатади-ган ҳол-ҳолатлар кўпроқ қадрли ва азиз эди. У доим ёлғиз эди, болаликда ҳам ёлғиз эди, оиладагина эмас, оламда ҳам ёлғиз эди, кейин янаям ёлғизроқ қол-ди. Ўзи шуни хоҳлади, талотўпларни, шошил-оширларни, ялаб-юлқишларни хоҳламади...

...Сиз шундай деб ўйлаяпсиз, йўқ, у доим ҳаётининг гул дамларини билан яша-ди. Ҳаётининг гул дамларини доим ўзи билан кўнглида олиб юрди. Гул дамлари-ни ҳеч кимга бермади. Ўзида олиб қолди. Унга шу кифоя эди, кўп нарсаси эмас, шу-гина кифоя эди.

Гапиролмай қолганидан кейин кўз-лари билан гапирди, кўнгли билан сўз айтди, хаёлида сўз айтди.

Унинг сўзлари энди кангулларда яшайди, бу ёруғ оламда ёруғ нур бўлиб қолади узоқ-узоқ фурсатларгача...

Салим АШУР

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Сирожиiddин САЙИЙД

Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ
Нодир ЖУМАЕВ

Гулшана ХУДОЁРОВА
Шухрат АСЛОНОВ
Абдулла АСЛОНОВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматидо
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 745
Адади: 4 106
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 19:00

Таҳририятга келган кўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Нурхон ЭЛИМИРЗАЕВА